



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 27 июль, № 146 (5061)

Сешанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН


БАРКАМОЛЛИК, ЭЪТИБОР ВА САЛОҲИЯТ

юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир



19 йил
миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг изчил амалга оширилатганиги самарасидир.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам оламшумул ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу борадаги янгиланишлар истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш



юртимизда фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, фарзандларимизга ҳеч қандам кам бўлмайдиган даражада касб-хунар ўргатиш бугунги ислохотлардан кўзда тутилган пировард мақсаддир.

Шу ўринда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанادا айтган мана бу сўзларини келтириш жоиз: "Бугун ҳеч қандам сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмас — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унинг-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади".

Шу боис бугун мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг бош ислохотчили Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилган таълим-тарбия соҳасидаги улкан ислохотлар жаҳон таълим стандартларига мос равишда замонавийлик касб

Нукусда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев бошқарган анжуманда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги тадбирлар, иқтисодийнинг барқарор ҳамда мувозанатлашган ҳолда ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш,

си билан экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани ва бошқа чора-тадбирлар натижасида экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,8 фоизга ўсди. Йил бошидан буён 190,5 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Сарҳисоб

Иқтисодий-иқтисодий тармоқлари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга дахлдор вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш, Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш юзасидан кўрилатган тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида макроиқтисодий мувозанат, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръати таъминланди. Чунончи, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 7,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол маҳсулотлари 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 9,1, савдо ва умумий оқватларни 16,9 ҳафтада хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз ошди. Президентимиз ташаббу-

нинг етакчи тармоқлари аҳоли бандлигини яхши-лаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида кўрилатган чоралар самараси чуқур таҳлил этилди. Айрим тармоқ ва корхоналарнинг белгиланган кўрсаткичларни таъминлагани танқидий руҳда кўриб чиқилди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ҳисобидан аҳоли бандлигини замон талабларига монанд ташкил этиш, қишлоқ жойларда намунавий тураржойлар қуришни жалдлаштириш, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Махлусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси М. Ернязов қатнашди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номидаги маърузасида "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган... гоёт муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этиш ҳолатини, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборатдир", деб таъкидлади.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Парламент назорати қонунларни ижро этиш даражасини ва уларнинг самарадорлигини амалда аниқлашнинг, шунингдек, давлат ва жамиятни тараққий эттириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларга ўз вақтида ўзгаришлар киритишнинг тасирчан воситасидир. Доимий парламент назоратини амалга ошириш ижро этувчи давлат органлари фаолиятининг самарадорлигига, қонунларни ижро этиш жараёнида давлат механизми ишда уйғунлик ва мувофиқликка эришишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишининг олдини олишга, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этиш амалиётини таҳлил қилишга қаратилган. Айнан қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётини чамбарчас боғлаб олиб бориш парламент назоратининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келибди.

ОҚИЛОНА ВА ОДИЛОНА СИЁСАТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи, ўрни ва аҳамияти унинг сиёсий, иқтисодий имкониятлари, халқининг интеллектуал салоҳияти ҳамда маданияти билан белгиланади. Бугунги кунда давлатнинг нуфузини белгилайдиган мезонлар орасида ўша давлат юртдаётган сиёсат, бу сиёсатнинг нечоғли холис, фойдали, тўғри экани алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш жоиздир.

Сўзни йилнинг энг ёрқин ва улкан воқеаларидан бири бўлган ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлисидан бошлаб. Бу анжуманга МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти мезонлик қилганининг ўзидек кўп нарсадан далолат беради. Бу, аввало, мамлакатимиздаги тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, изчил ривожланаётган иқтисодий, кенг қўламли модернизация, кун сайин такомиллашаётган инфратузилма, ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилаётган янги соҳалари, қулай сарможий муҳит, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши мунтазам ўсаяётгани, юксак даражадаги кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ҳажми ортаётгани, тиббиёт, таълим, спорт, сайёҳлик каби соҳалардаги ислохот-

лаш нуқтани назардан бекаму кўст тайёргарлик кўрилди. Юқори мартабали меҳмонларга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энг замонавий транспорт воситалари хизмат кўрсатди.

Уша қунари Тошкент нафақат иқтисодий-молиявий мавзудаги учрашувлар, балки экология, шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим каби кўплаб соҳаларда фикр алмашиш учун музокара майдони бўлди. Шунингдек, саммит доирасида Ўзбекистон пойтахтида ASEAN+3, яъни ASEAN ҳамда Хитой, Корея ва Япония молия вазирларининг учрашуви ўтказилди.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга йўллаган миннатдорлик мактуби саммит муваффақиятининг ёрқин эътирофи бўлди. Мактубдаги мана бу сўзлар ҳеч қандай изох ёки тўлдириларга ўрин қолдирмайди: «Ушбу йиллик мажлис ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самарали ўтганларидан бири бўлди... Ушбу анжуман-

нинг муваффақияти ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарор нечоғли тўғри бўлганини ёрқин намоён этибди... Йиллик мажлис ОТБ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштирди — анжуман қунари умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд битимлар имзоланди, кредит портфелининг ҳажми қарийб икки баробар ошди... Жаноиб Олийлари, Сизни ишонтириб айтманки, Ўзбекистон ОТБнинг Марказий Осиёдаги доимий стратегик ҳамкори бўлиб қолади... ОТБ минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда етакчи мамлакат бўлган Ўзбекистонни ҳар томонлама ва изчил қўллаб-қувватлашнинг бундан кейин ҳам давом эттиради... Гоёт муҳим мазкур форумнинг муваффақиятли ўтгани муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига яна бир бор чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз...»

Бу муваффақият негизда нима муҳассам, деган саволга энг тўғри жавоб қуйидагича бўлади: ОҚИЛОНА ВА ОДИЛОНА СИЁСАТИ!

Кичик сайёра тақдимоти

Яқинда қоинотда навбатдаги кичик сайёра кашф этилганлиги ҳақидаги янгилик "Халқ сўзи" газетасида "Қоинотда "Самарқанд" порлайди" деган сарлаҳали мақолада маълум қилинган.

Куни кеча Самарқандда худди шу ном билан аталган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг Майданак обсерваториясида мамлакатимиз олимлари томонидан кашф этилган сайёрага Президентимиз тақлифи билан астрономия фани-

Гулистонда Сирдарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими О. Ашурматов бошқарган йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва келгусидаги энг муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Унда Президентимиз жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 2010 йил учун белгилаб берилган асосий вазифаларни изчил амалга ошириш натижасида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ижобий ўзгаришларга эришилганини эътироф этилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,0 фоизга бажарилди. Шунингдек, бу кўрсаткич халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 102,2, қишлоқ хўжалигида 113,0 фоизни, капитал қўйилмалар ҳажми 138,0, пудрат ишлари ҳажми 128,6, чакана савдо айланмаси 115,0, пуллик хизмат кўрсатиш 115,2 фоизни ташкил этди. Вилоят экспорти 59,2 миллион АҚШ долларини ёки 193,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, худуд тасарруфидоги корхоналар томонидан ярим йилликда 20,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт амалга оширилди. Бу белгиланган прогноз кўрсаткичи икки баробарга ошиғи билан бажари-

рилди, деганидир. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 111,2 фоизни ташкил этди. Ўтган мuddат давомида 126 та корхона ишга туширилди. Ҳисобот даврида худудий инвестиция дастури доирасида 11 миллион 352 миң АҚШ доллари қийматида инвестициялар жалб этилди. Янги ташкил қилинган қувватлар ҳисобига корхоналар томонидан 4 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим корхоналарда мавжуд қувватлардан етарлича фойдаланилмаётгани, иқтисодийётда, қолаверса, бошқа соҳаларда ҳам баъзи камчиликлар мавжудлиги таъкидланиб, келгусида уларни бартараф этиш йўллари изланди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Фаниев иштирок этди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган фаоллар йиғилиши Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

А. САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Энг катта юлдуз

Астрономлар коинотдаги энг катта юлдузни аниқлашди, дея хабар тарқатди "Евроньюс" телеканали.



У Буюк Британиянинг Шеффилд шаҳридаги Чили обсерваторияси ҳамда Спитцер ва Хаббл космик телескопи маълумотлари асосида топилган. Мазкур йirik юлдузнинг ҳажми Қуёшдан 256 баробар катта эканлиги айтилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, юлдуз жуда ноёб хусусиятга эга. Яъни унинг ҳажми яна катталашши мумкин. Бу эса охирикват юлдузда портлаш юз беришига олиб келаркан.

Башорат тасдиқланмади

Швециянинг юк машиналари ишлаб чиқарувчи "Volvo" компанияси жорий йилнинг иккинчи чорагида яхшигина даромад кўрди.

Хусусан, муассаса ушбу даврда 4,5 миллиард Швеция кронаси (607,5 млн. АҚШ доллари)га тенг маҳсулот сотган. Бу эса таҳлилчилар тахмин қилган миқдордан анча юқоридир. Чунки экспертлар компания

мазкур ойлarda 3,4 миллиард крона маблағ тушишни башорат қилганди.

"Volvo"нинг бу ютуқлари баъзи минтақalarda истеъмол даражасининг ортгани билан изоҳланмоқда.

Жазирама туфайли

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетиши ГАРБИЙ Еуропа мамлакатларида ўрмон ёнгинларини келтириб чиқарди.

Масалан, Марсель шаҳридан 30 километр узокликда кузатилаётган табиий офат ўнлаб квадрат километр майдондаги "яшил ҳудуд"га зарар етказган. Талафот кўлами ошишининг олдини олиш мақсадида ҳудудга 750 нафар ўт ўчириш хизмати ходими ва авиация сафарбар этилган. Аҳоли эвакуация қилинган.



Бундай ҳолат Португалияда ҳам рўй бермоқда. Бу ерда иссиқ ҳаво ва шамол ёнгиннинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиб кетишига олиб келмоқда.

Даромад камайиб кетди

Финляндиянинг мобил алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи машҳур "Нокиа" компанияси даромадлари иккинчи чорада кескин тушиб кетган.



жаҳон бўйича ҳар учинчи мобил телефон "Нокиа" маҳсулоти ҳисобланарди. Ҳозирга келиб эса унинг бу кўрсаткичи ҳам пасайган. Шу боис яқин кунлар ичида компания бош директори истеъфо бериши ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Чунки унинг раҳбарлик даврида "Нокиа" ишлаб чиқарган сумларнинг бирортаси оммавийлашмаган экан.

Манбада келтирилишича, кейинги чорада ҳам ижобий натижа кутишга умид қилинмаяпти. Айтиб ўтиш жоиз, шу пайтгача

Ўсиш кузатилди

Сўнги уч ой яқини бўйича Буюк Британияда ялли ички маҳсулот ҳажмида ўсиш кузатилди.

Жумладан, апрель, май ва июнь ойларида 1,1 фоизлик ўсиш қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз, Буюк Британия "Катта еттилик" мамлакатлари орасида иккинчи чорада ялли ички маҳсулот ҳажмида ўсишга эришилганини эълон қилган биринчи мамлакат бўлди.

Тежамкорлик шарофати

Италиянинг "ФИАТ" автомобилсозлик компанияси акциялари жаҳон бозорида беш фоизга қимматлашди.

Бунга унинг жорий йил иккинчи чорагини катта миқдордаги даромад (651 миллион евро) билан яқунлагани сабаб бўлди. Шунингдек, мазкур натижа 2009 йил шу даври билан таққослаганда ҳам икки баробар юқоридир. Харажатларни қисқартириш борасида олиб борилган



сиёсат ва жаҳон бозорида қимматбаҳо русумларга талабнинг ошиши шундай муваффақиятга асос бўлган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Люксембург университетидеда Ўзбекистонда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, яратилган сармоявий муҳит ҳамда мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган тақдир маросими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан Люксембург молиявий технологиялар трансферти агентлиги (МТТА) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ушбу мамлакатнинг расмий, иқтисодий ва илмий доиралари, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда МТТА вакиллари қатнашди.

Люксембургда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросининг тақдироти

Тақдирот чоғида иштирокчиларга "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижроси, демократик, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, сармоявий муҳит ҳамда хоржий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. Тадбирда айнан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Банк-молия академиясининг тингловчилари МТТА томонидан ташкил этилган ўқув курсларида иштирок этишгани қайд этилди.

сиз солиқ ва боғхона имтиёзлари берилган "Навий" эркин иқтисодий-индустриал зонаси фаолиятига жалб этилди.

Тақдир доирасида Ўзбекистон Банк-молия академиясининг тингловчилари мамлакатимизнинг банк-молия тизими, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирзининг оқибатларини бартараф этиш ва энгиллаштириш борасида олиб борилаётган чоратадбирларга бағишланган тақдирот маросимини ўтказишди.

Иштирокчилар ўзбек халқининг тарихий мероси, аънаналари ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига катта қизиқиш билдиришди.

Хусусан, Люксембург молия-

вий технологиялар трансферти агентлиги миллий дастурлари директори Жози Тииз тақдирот давомида эътиборга ҳавола этилган маълумотлар Ўзбеки-

Биз ва жаҳон

тон ҳукумати томонидан ўсиб келаётган авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беришини таъкидлади. "Жаҳон" ахборот агентлиги берган интервьюсида у, жумладан, "олиб борилаётган бундай сиёсат демократия тамойиллари асосли ривожланаётган Ўзбекистон давлатининг порлоқ келажигига бўлган ишончи янада оширади, шунингдек, ушбу мамлакат

банк-молия тизимини ривожлантириш борасида ўзининг пухта режасига эга ва бу ишда ёш авлодга алоҳида эътибор қаратишда", дея таъкидлади. — Биз таълим ва Ўзбекистоннинг банк ҳамда молия тизими вакиллари малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлигимиз-

академияси билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бораётганидан хурсандимиз ва банк-молия тизимидаги Европа тажрибасини ўзбекистонли дўстларимиз билан ўртоқлашишга тайёримиз. Бизнинг мутахассисларимиз тез-тез мамлакатингизга боришиб, Банк-молия академиясининг тингловчилари билан тренинглари ўтказиб келишади. Шу маънода, муассасаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик улкан аҳамият касб этади, — дея сўзини якунлади Ж.Тииз.

Молия масалалари бўйича «Klienbart» консалтинг компанияси бошқарувчиси Паул Клийн-барт шу йил апрель ойида Ўзбекистонда бўлгани ҳақида гапирди. У ўз сафари чоғида мамлакатимизнинг банк тизими вакиллари ҳамда Ўзбекистон Банк-молия академиясининг тингловчилари билан учрашишга муяссар бўлганини айтди.

— Тингловчиларнинг билим даражаси мени лол қолдирди. Уларнинг ёши ҳали кичик бўлишига қарамай, аксарияти бугунги кунда нафақат банк тизимида фаолият юритишга, балки тегишли бошқарманинг бошлиги вазифасини ҳам баҳарлашга тайёр, — деди П. Клийнбарт. — Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, Ўзбекистон ҳукумати ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш ишига катта эътибор қаратмоқда, мамлакатда ёш авлоднинг келгусида жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллаши ва Ватанининг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшиши учун барча шарт-шароит яратилган.

«Жаҳон» АА. Люксембург

Талабалар қурилишда қатнашишади // Жиззах томонларда

"Қамолот" ЁИХ Жиззах вилояти кенгаши "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Қишлоқларда истиқомат қилаётган талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Қамолот" фаоллари уларни таътил кунларида қурилиш ташкилотларига жалб этмоқдалар. Бирги-

на "Ўртаосиёмёмор" кўп тармоқли қурилиш ташкилоти 60 нафар қишлоқ ёшларини меҳнат шартномаси асосида иш билан таъминлади. Жиззах давлат педагогика ҳамда политехника

институтлари талабаларидан минг нафардан кўпроги сессия имтиҳонларидан сўнг гуруҳларга бўлиниб, вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турархойлар, янги коллеж, ётоқхона бунёдкорлигига қурилиш, ободонлаштириш ишларида ёрдам беришга киришди.

Узунбулоқда янги мактаб

Икки қаватли кўркам мактаб комплекси Саудия Тарақиёт фондининг 675 минг АҚШ долларилек маблағи эвазига барпо этилди. Қурилиш ишларини "Ўғлонлар — КК" хусусий фирмаси бунёдкорлари қисқа фурсатда ниҳоясига етказишди. Янги билим даргоҳида физика-химия фанлари бўйича лабораториялар, Ахборот-ресурс маркази, спорт зали, компьютер хоналари мавжуд. Шунингдек, жорий йилда СТФнинг сармояси ҳисобига Фаллаорол туманидаги 23-сонли ва Баҳмал туманидаги 73-сонли мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корхоналар ва ташқи юмталар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади: денгиз тўлқини рангли галстуклар, ёғи ва қиши пайтавалар, шлем остидан кийиладиган бош кийимлар (подшлемники), погонлар, ип газлама ич кийимлар, хаки трикотаж майкалар, силлиқ бўялган (гладкокрашенные) трикотаж майкалар, денгиз тўлқини рангли майкалар, оқ рангли майкалар, денгиз тўлқини рангли фуфайкалар, ип газлама пайпоқлар, шевронлар, казарма шиппақлари, пост сумкалари, «қум» рангли камуфляж икки бармоқли ип газлама қўлқоплар, ип аралашган жунли одеяллар, қўй терисидан тикилган калта пўстин.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100. Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб. ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача; Бундан ташқари: ЙИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм. КАРЕИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

«Uz-Kor Gaz Chemical» МЧЖ ҚҚ Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси, «ЎзЛИТИнефтегаз» ОАЖ ва «Устюртгаз» ШК билан биргаликда «Сурғил» лойиҳаси муҳокамаси бўйича жамоат вакиллари (манфаатдор томонлар, мутахассислар, ташкилотлар) билан учрашув ташкил этмоқда. «Сурғил» лойиҳаси ўз ичига газ конларини ўзлаштириш ва нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун Устюрт газ-кимё мажмуасини қурилиши қамраб олади. Жамоатчиликни қабул қилиш доирасида, жамоатчилик билан учрашув ва маълумотларни ошкор қилиш ишлари қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: 27 июль кунини Қўнғирот шаҳри ҳокимияти биносидеда; 28 июль кунини Акчалок кўрғони маҳалла қўмитаси биносидеда; 29 июль кунини Мўйноқ шаҳри ҳокимияти биносидеда. Ишлаш вақти — соат 14.00 дан 20.00 гача. Тел.: (+998 71) 238-92-23, 238-92-24.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида банк хизматлари бўйича тарифларига ўзгартириш киритилганини маълум қилади. 2010 йил 1 августдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли «Ўзсаноатқурилишбанк» «VISA ELECTRON» ва «VISA CLASSIC» пластик карточка эгаларининг йиллик маблағ қолдигига даромад: * миллий валютада — 7 фоиз; * хоржий валютада — 0,5 фоиз қилиб белгилади. Қўшимча маълумот учун телефон: (8-371) 120-45-42.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига асосан, ноғиронларни ўз вақтида реабилитация техник воситалари (ноғирон аравачалари ва эшитиш мосламалари) билан таъминлаш мақсадида катталар ноғирон аравачаси 750 та, кичик габаритли аравача (250 та), эшитиш мосламаси (1000 та) ни харид қилиш бўйича очик танлов савдоси ўтказида ва ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда ташкилотларни очик танлов савдосига таклиф қилади. Очик танлов савдосида маҳсулотлар нархи очик танлов савдосидаги бошланғич баҳосидан наастга тушиш нархида амалга оширилади. Очик танлов савдосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, жумладан, кичик бизнес корхоналари ҳам иштирок этишлари мумкин. Маҳсулотларни етказиб бериш муддати — жорий йилнинг 1 ноябргача. Очик танлов савдоси комиссияси томонидан ҳужжат қабул қилишнинг охириги муддати — 2010 йил 30 июль 16.00 гача. Очик танлов савдоси 2010 йил 2 август кунини соат 15.00 да вазирлик биносидеда ўтказилади. Қўшимча маълумотларни вазирликнинг қуйидаги телефонлари орқали олиш мумкин: (8-371) 239-88-33, 239-88-46, 239-88-26. Факс (8-371) 239-88-46. Манзилимиз: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! РҚТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 9 август кунини соат 11.00 да ўтказилади, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдосига қуйидаги объект қайтадан қўйилганини маълум қилади: ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Садриддин Айни кўчаси, 4-уйда жойлашган 2 қаватли «Раис бобо» ресторани. Ресторан 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 м², қурилиш ости майдони — 822,67 м², фойдалани майдони — 1454,35 м². Бошланғич баҳоси — 748 411 000 сўм. Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий савдоси 2010 йил 30 август кунини соат 11.00 да ўтказилади. Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита иштирок этиш истигади талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганига бир кун қолганда тухтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридега зақалат пулини тўлов ҳужжатидега ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РҚТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Хамкорбанк» Самарқанд филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604480401001, МФО: 01030, СТИР: 206074208. Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАДАНИЯТ

хабарлари



Анджонда мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочилари кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

МУМТОЗ МУСИҚА МАВЖИ

Маълумки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мумтоз кўшиқ, мусиқа ва катта ашулаларни келгуси авлодларга етказиш, ривожлантириш ҳамда тарғиб этишда ушбу танловнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

«Мақом» ашула ва раск халқ ансамбли жамоаси танловнинг олий мукофотини кўлга киритди.

Бадий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг миллий мумтоз мусиқа, мақом ижрочилиги ва катта ашулага бўлган қизиқишини ошириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келаётган Анджон шаҳридаги Фаттоҳон Мамадалиев номи-

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЭРТАМИЗ ТАЯНЧИ

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб йўналишларидан биридир. Шу боис бу борадаги ғамхўрлик фарзанд туғилишдан анча олдин бошланади.

2010 йил – Баркамол авлод йили

Айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш билан бир қаторда, энг аввало, қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она – соғлом бола» мақсади вазифини изчил амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш масалалари, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, аёллар, ўсимлар ва болалар саломатлигини асрашда бирламчи бўлин шифокорларнинг ўрни бекиёс. Шу мақсадда вилоят мутахассислари ҳамда вазирлик томонидан бириктирилган республи-

ка фтизиатрия, пульмонология илмий текшириш институти, шунингдек, Самарқанд, Бухоро тиббиёт институтларининг етук мутахассислари ҳамкорлигида кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Худуддаги даволаш-профилактика муассасалари саналган репродуктив саломатлик маркази, «Саломатлик ва тиббий статистика» институти вилоят филиали, «Она ва бола скрининг маркази» шифокорлари бу борада мунтазам назорат ўрнатиб келмоқдалар.

текшириш институти ходимлари эса ультратовуш текшириш аппаратуралари мутахассислари билан биргаликда қишлоқ ва овулларда бўлиб, намунали даволаш ишлари-



га оширилаётир. Гинекология ва ҳомиладорлик хасталиклари бўлими 55 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 25 ўрин консерватив гинекология учун, 30 ўрин ҳомиладорлик хасталиклари учун ажратилган.

Туғуруқ мажмуасида перинатал ўлимнинг олдини олиш мақсадида аёллар маслаҳатхоналарида ҳомиладорларни соғломлаштириш, чақалоқлар соғлиғига эътиборни кучайтириш жараёнида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан ўринли фойдаланиб келинмоқда.

Айни пайтда «Она сутининг аҳамияти», «Бехатар оналик», «Репродуктив саломатлик» мавзуларида ўқув курси ташкил этилган. Мажмуа замонавий тиббиёт анжумлари билан жиҳозланган. Осие тараққиёт банки кўмағида олинмаётган янги асбоб-ускуналарни мақсадли ишлаштириш учун жойлардаги тиббиёт бирлашмаларининг туғуруқхона бўлимлари таъмирлаб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, бу борадаги ишларимиз Баркамол авлод йилида янада юксак масъулият билан ёндошишни талаб этади. Зеро, соғлом фарзанд юрт таянчидир.

Ғуллом АСЛОНОВ, Навоий вилояти туғуруқхона мажмуаси бош шифокори.

Урганч шаҳридаги суратлар галереясида «Урганч суратлар галереяси дурдоналари» санъат кўргазмаси иш бошлади.

ЁШЛИК ИЛҲОМЛАРИ

Унда мамлакатимизнинг 70 нафардан ортиқ таниқли ижодкорларининг 400 дан зиёд асарлари намойиш этилмоқда.

Эътиборли жиҳати, сўнгги йилларда Урганч суратлар галереясида бундай тадбирлар тез-тез ташкил этилмоқда.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёзги таътил – 2010



Пойтахт вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Меҳрибонлик» оромгоҳида ёз фаслида минг нафардан зиёд Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

ИЖОДКОРЛАР БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

Оромгоҳда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ёзги таътилни мазмунли ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ж. МУСАЕВ.

ИСТЕЪДОДЛИЛАР КЎРИГИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги республика саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Бу галги тадбир қатнашчиларининг аксарияти катта сахнага илк бор қадам қўйган ёшлар, куй-қўшиққа ихлосманд йигит-қизлардан иборат эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

вожига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, албатта. Истеъдодли бастакор Дилшода Марасулова ана шундай бекиёс имкониятлардан умумли фойдаланиб, астойдил ижод қилишга интилаётган ёшлардан биридир.

ОБ-ҲАВО (27 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайд.

тушганимиздан, уларнинг ўғит ва йўл-йўриқларидан баҳраманд бўлаётганимиздан жуда ҳам хурсандимиз. Зеро, ушбу нуфузли танловда иштирок этишдан муддаомиз ҳам шу эди.

Танлов якунида ғолиб деб топилган иштирокчилар номи эълон қилинди. Жўмладан, Х. Жўраева (Қашқадарё вилояти) ҳамда М. Мўминов ва Я. Мўминов (Фарғона вилояти) жуфтлиги биринчи ўринга сазовор бўлди.

Муборак ОХУНОВА.

Ғиждувон туманидаги «Шарқ маҳалласи» ўсмирлар футбол жамоаси «Футболимиз келажаги» анъанавий турнирининг вилоят босқичида ғолиб чиқди.

«Футболимиз келажаги»

«Маҳалла» жағғармаси томонидан 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида Олот туманида ўтказилган бу турнирда ғолиб бўлиб чиққан «Шарқ маҳалласи» жамоаси «Футболимиз келажаги»нинг 13-14 ёшли болалар жамоалари ўртасидаги беллашувларда эса Қоровул-

бозор туманининг «Чўлқувар», 11-12 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда Қоровул тумани «Сибёгон» жамоаси ғолиб бўлиб чиқди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Республика Кўчмас мулк биржаси ЁАЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қўйилган, Наманган вилояти ҳужжат ҳудудининг 2009 йил 31 майдаги 16-1004/4772-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган шаҳар, 5-«А» кичик туманида жойлашган, Наманган шаҳар «Шароб савдо» иختисослаштирилган база-шўба корхонасига қарашли «Водий» номли чойхона бино ва ишонотлари, жами хоналар сони — 19 та, қурилиш ости майдони — 566,87 кв.м., фойдалани майдони — 486,02 кв.м., гаров шартномаси бўйича бошланғич баҳоси — 267 148 272 сўм.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01. www.fkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти жамоаси санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Любовь Александровна АВДЕЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таззия билдиради.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ манфаатли «Омад қувончи» ютуқли омонатини таклиф этади. Омонатта маблағлар 3 ой муддатга йиллик 14% миқдорда даромад тўлаш шарт билан қабул қилинади. Омонат бўйича фойз даромадлари билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра, 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нухсуда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788